



THE INTERRELATION BETWEEN NATIONAL CULTURAL CENTERS AND REGIONAL COOPERATION

Shakhlo Bakhtiyorovna Murzayeva

Doctoral student at the Department of Social and Political Sciences

Tashkent Institute of Chemical Technology

spring@mail.ru

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: National cultural centers, Central Asia, interethnic friendship, solidarity, spirituality, global.

Received: 20.10.25

Accepted: 21.10.25

Published: 22.10.25

Abstract: This article highlights the interrelation and specific features of national cultural centers and regional cooperation. It also outlines the key tasks facing the foreign policy of the Republic of Uzbekistan today and the main directions planned for the near future. The article expresses the view that events held across Central Asia serve not only to showcase cultural wealth, but also to become an important means of bringing neighboring peoples closer together and strengthening cooperation relations with them.

МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР ВА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Шахло Бахтиёровна Мурзаева

“Ижтимоий сиёсий фанлар” кафедраси докторанти

Тошкент кимё технологиялар институти

spring@mail.ru

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Миллий маданий марказлар, марказий осиё, миллатлараро дўстлик, ҳамжихатлик, маънавий, глобал.

Анотация: Мазкур мақолада миллий маданий марказлар ва минтақавий ҳамкорликни ўзаро боғлиқлиги ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида ёритилган. Шунингдек, бугун Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати олдида турган муҳим вазифалар ва яқин келажакка мўлжалланган асосий йўналишлари санаб ўтилган. Марказий осиё бўйлаб ўтказилаётган тадбирлар нафақат

маданий бойликларни намоён қилиш, балки қўшни халқлар билан яқинлашиш ва улар билан ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашнинг муҳим воситасига айланиши ҳақида ҳам фикр билдирилган.

ВЗАИМОСВЯЗЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ КУЛЬТУРНЫХ ЦЕНТРОВ И РЕГИОНАЛЬНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА

Шахло Бахтиёровна Мурзаева

Докторант кафедры «Социально-политические науки»

Ташкентский химико-технологический институт

spring@mail.ru

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Национальные культурные центры, Центральная Азия, межнациональная дружба, солидарность, духовность, глобальный.

Аннотация: В данной статье освещается взаимосвязь и особенности национальных культурных центров и регионального сотрудничества. Также перечислены важнейшие задачи, стоящие перед внешней политикой Республики Узбекистан, и основные направления, намеченные на ближайшее будущее. Отмечается, что проводимые по всей Центральной Азии мероприятия служат не только демонстрации культурного богатства, но и становятся важным средством сближения соседних народов и укрепления сотрудничества с ними.

Кириш

“Бахтга эришиши мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ фазилятли халқдир.

Шу йўсинда барча халқлар бахтга эришиши учун бирбирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилятли бўлади”

Абу Наср Форобий

Ўзбекистондаги миллий маданий марказлар мамлакат маданий ҳаётининг муҳим институционал элементлари сифатида намоён бўлади ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда стратегик аҳамият касб этади. Мазкур марказлар кўп миллатли Ўзбекистон жамиятида ижтимоий интеграция жараёнларини фаоллаштириш, шунингдек, ўзбек, тожик, қирғиз, қozoқ, туркман ва бошқа этник гуруҳлар ўртасида маданий алмашинувни рағбатлантиришда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг мамлакатдаги миллий маданий марказлар фаолиятига

доимий эътибор қаратиши ва Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг аҳил-инок яшаётгани, 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотларнинг фаолият юритаётгани, таълимнинг 7 та тилда олиб борилаётгани, оммавий ахборот воситаларининг хилма-хил тилларда фаолият кўрсатаётгани каби фактларни келтириши, Марказий Осиёда инсон ва миллий ресурслар салоҳияти бўйича етакчи ўринга эга бўлган Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришга давлат томонидан устувор аҳамият берилаётганини ва бу орқали мамлакатнинг минтақадаги мавқеи мустаҳкамланаётганини яққол ифодалайди. Жамиятда Миллий маданий марказларнинг ташкил этилиши миллатлараро алоқаларнинг мустаҳкамланиши ҳамда миллий-тарихий кадриятларимизнинг ривожини учун асосий омилдир. Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб, уларнинг аксарияти ўз Миллий маданий марказлари атрофига бирлашган, бу Ўзбекистон халқларининг бағрикенглигидан ва ўзаро ҳурмат асосида яшаб келаётганликларидан гувоҳдир. Шунингдек, жамиятдаги фуқаровий тотувлик асосида этник барқарорлик ётади. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик тараққиёт ва ривожланишнинг барча турларининг негизини ташкил этувчи энг буюк кадрият сифатида эъзозлидир.

Миллий маданий марказларнинг фаолияти маданий меросни асраб-авайлаш, этник гуруҳларнинг ўзига хос миллий идентлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда ижтимоий мувозанатни таъминлаш каби муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Ушбу марказлар минтақада маданий хилма-хилликни сақлаш ва ривожлантириш орқали барқарорлик ва ўзаро англашувни таъминлашга хизмат қилади.

Аслини олганда, ҳар бир давлатнинг равнақи ва жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи, энг аввало, ўша мамлакатда ҳукм сураётган осойишталикка, унда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг ўзаро аҳиллигига чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли ҳам, миллатлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва диний эътиқодларга нисбатан бағрикенглик миллий ғоямизнинг етакчи тамойилларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб, Юртбошимиз бу ҳақда “...мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни ўзимнинг устувор вазифам, деб ҳисоблайман” – дея фикр билдирадilar. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг халқаро аренадаги ижобий киёфасини шакллантиришга ва унинг ташқи сиёсий стратегияларини рўёбга чиқаришга муҳим замин яратади. Хусусан, мамлакат ичидаги миллатлараро тотувлик ва ўзаро ҳурмат муҳитининг мустаҳкамлиги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ишончли ва барқарор ҳамкор

сифатидаги нуфузини оширади, мазкур ҳолат эса, турли халқаро лойиҳаларни амалга ошириш ва глобал сиёсатда фаол иштирок этиш имкониятларини кенгайтиради.

Тадқиқотнинг усуллари. Бугун, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати олдида турган муҳим вазифалар ва яқин келажакка мўлжалланган асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат:

1. Минтақавий барқарорликни таъминлаш орқали Марказий Осиёда тинчликни мустаҳкамлаш ва барқарорликни сақлаш, шунингдек, минтақавий хавфсизликни қафолатлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

2. Глобал хавфсизликка қарши кураш жараёнида тажовузкарона ҳаракатларнинг авж олиши, диний экстремизм, ақидапарастлик ва халқаро терроризм каби таҳдидларнинг кенг ёйилиши хавфи тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш зарур. Ушбу жиддий хавфни бартараф этиш мақсадида қўшни давлатлар билан ҳамкорликда тегишли чоратadbирларни амалга ошириш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир. Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш ташаббусини илгари суриш минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омилidir.

3. Халқаро ҳамжамиятга интеграция мамлакатимизда тараққий этган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ва фаровон давлат барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш учун Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тўлиқ интеграциясини таъминлаш лозим. Дунёнинг энг илғор мамлакатлари билан яқин алоқалар ўрнатиш, етакчи халқаро иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлар билан шерикликни мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши жараёнининг узвий қисмидир.

Миллий маданий марказлар эса минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва барқарор тинчликни таъминлашда муҳим институционал вазифани бажаради, бу эса Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий стратегиясининг узвий таркибий қисми сифатида эътироф этилади. Мазкур марказлар маданий дипломатия воситаси сифатида халқлар ўртасидаги ўзаро англашувни чуқурлаштириш, маданий алмашинувни фаоллаштириш ва минтақавий интеграция жараёнларига қўмаклашиш орқали барқарор ривожланишга хизмат қилади. Шунингдек, улар жамиятда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва маданий хилма-хилликни қадрлаш каби қадриятларни тарғиб қилиш орқали экстремизм ва радикализмга қарши курашда муҳим роль ўйнайди. Демак, ушбу марказларнинг фаолияти қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топиши мумкин:

1. Маданий алоқаларнинг мустаҳкамлиги: Марказий Осиёда яшовчи турли миллат ва элатларнинг асрлар давомида шаклланган маънавий ва маданий алоқаларини

мустаҳкамлаш минтақавий хавфсизликнинг муҳим шартидир. Миллий маданий марказлар мазкур алоқаларни турли маданиятлар ўртасидаги мулоқотни рағбатлантиради ва ўзаро англашувни таъминлайди.

2. Иқтисодий ҳамкорликнинг аҳамияти: Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий ҳамкорлик мақсадларини ҳар томонлама кенгайтириш, иқтисодий лойиҳаларни, биринчи галда, минтақанинг бой табиий захираларидан, энергетика ва сув манбаларидан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, газ ва нефть тармоқларини барпо этиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш каби соҳаларга тегишли аниқ лойиҳаларни яратиш ва амалга ошириш борасида куч ва имкониятларни бирлаштириш лозим. Айнан мана шу соҳаларда ҳамкорлик қилиш Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг манфаатларига мос келиши шубҳасиз. Бу ҳамкорлик бутун минтақанинг кучли ижтимоий-иқтисодий юксалишига, шу билан бирга, унинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва ривожланишига мустаҳкам асос яратган бўлар эди. Миллий маданий марказлар иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган маданий тадбирларни ташкил этиш ва тарғиб қилиш орқали бу жараёнга ҳисса қўшиши мумкин.

3. Хавфсизликка интеграциялашган ёндашув: Хавфсизликнинг бўлинмас ва яхлитлиги ҳақидаги бош принципга таяниб, террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ барпо этишга оид Ўзбекистон ташаббусини амалга ошириш борасидаги ишларни янада кучайтириш зарур. Миллий маданий марказлар экстремизм ва терроризмга қарши курашда жамоатчиликни хабардор қилиш ва маданий иммунитетни шакллантириш орқали муҳим роль ўйнайди. Улар бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва тинчликни тарғиб қилиш орқали экстремистик ғояларнинг тарқалишига қарши курашадилар.

Натижалар. Шундай экан, миллий маданий марказларнинг минтақавий ҳамкорликдаги аҳамияти ниҳоятда кўп қирралидир. Улар маданий алмашинувни таъминлаш, ижтимоий интеграцияни рағбатлантириш ва иқтисодий ривожланишга туртки бериш орқали жамиятда ижобий трансформацияларни амалга оширишга хизмат қилади. Мазкур марказлар, айти пайтда, турли маданиятларнинг ўзаро бойиши ва ўзаро ҳурмат туйғусини мустаҳкамлашда муҳим восита сифатида намоён бўлади.

Сиёсий фанлар доктори профессор О.О.Сирожов “Марказий Осиё минтақасида ҳамкорлик жараёнлари” китобида таъкидлаганларидек, кўпчилик тадқиқотчилар минтақавий ҳамкорлик жараёнларини иқтисодий ва сиёсий ҳамкорликка бўлишади. Бундай ёндашувда асосий устуворлик иқтисодий ёки сиёсий тизимларга берилиб, ҳамкорлик жараёнлари шаклланишига урғу берилади. Фикримизча, минтақавий ҳамкорлик жараёнларининг муҳим элементи сифатида маданий, ижтимоий ҳамкорлик

шаклини алохида кўрсатса бўлади. Масалан, маданий ҳамкорликни олайлик. Сиёсий ҳамкорликнинг асоси бўлмиш сиёсий кадриятларнинг шаклланишида маданий ҳамкорлик муҳим роль ўйнайди. Ёки минтакавий ҳамкорлик асосини ташкил этадиган иқтисодий ҳамкорлик ўзаро ишонч маданиятига бориб тақалади. Бу тизимда маданиятлараро ҳамкорлик халқ дипломатиясининг воситаси сифатида сиёсий ёки иқтисодий ҳамкорлик учун замин бўлиб хизмат қилади. Ҳамкорлик жараёнларида инсон ва жамият омили етакчи аҳамиятга эга. Фуқаролар ва жамият ўртасидаги яқинликсиз минтакавий ҳамкорлик жараёни ривожланмайди. Бу яқинликни фақат сиёсий ёки иқтисодий йўл билан шакллантиришнинг имкони йўқ. У ижтимоий ҳамкорлик натижасида амалга оширилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, миллий маданий марказлар минтакавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга дейишимиз ўринлидир. Чунки улар турли миллат ва элатларнинг маданий кадриятларини сақлаш ва уларни кенг жамоатчиликка танитишга хизмат қилади. Ушбу марказлар нафақат миллий маданиятларни ривожлантиришда, балки уларни халқаро даражада оммалаштириш орқали ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда ҳам фаол иштирок этади. Жумладан, минтақадаги қўшни мамлакатлар билан маданий алмашинувларни ташкил этиш, қўшма тадбирлар ўтказиш ва турли миллатларнинг урф-одатлари, санъат турлари ва тарихи билан таништириш орқали маданий мулоқот учун самарали платформа яратилади. Бундай ташаббуслар нафақат маданий бойликларни сақлаш, балки улар орқали минтақада барқарорлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Минтакавий маданий тадбирларда миллий маданий марказларнинг иштироки уларнинг минтақадаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Хусусан, Марказий Осиё давлатлари – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонда ўтказиладиган халқаро фестиваллар, этнографик кўргазмалар, фольклор тадбирлари ва маданият кунлари минтақадаги халқлар ўртасида маданий мулоқотни фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун, Қозоғистондаги "Silk Road" халқаро кинофестивали, Қирғизистондаги "Оймок" этнофестивали, Тожикистондаги "Диёри Дўстӣ" халқаро фестивали ва Туркменистондаги маданият кунлари шулар жумласидандир. Ушбу тадбирларда миллий маданий марказлар ўз маданиятларини намоёниш этиш, бошқа халқларнинг маданияти билан танишиш ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш имкониятига эга бўладилар. . Бундай тадбирларда иштирок этиш орқали миллий маданий марказлар ўз халқларининг маданий бойликларини кенг аудиторияга таништиради ва маданиятлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни тушуниш учун шароит яратади. Шу тариқа, бундай тадбирлар нафақат маданий бойликларни намоён қилиш,

балки қўшни халқлар билан яқинлашиш ва улар билан ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашнинг муҳим воситасига айланади.

Миллий маданий марказлар қўшма платформалар ва лойиҳалар орқали ҳам минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Улар этнографик тадқиқотлар, маданий меросни ҳужжатлаштириш ва уни сақлашга қаратилган лойиҳаларда иштирок этиб, минтақа миқёсидаги тадқиқотларда етакчи ўрин тутаяди. Масалан, Марказий Осиё давлатларининг умумий маданий меросига эга бўлган халқларнинг тарихий манбаларини ўрганиш, уларни нашр этиш ва янги авлодга етказиш бўйича тадбирлар ташкил этилади. Бунга мисол қилиб, умумий тарихий шахслар ва воқеалар ҳақидаги қўлёзмаларни ўрганиш, халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш ва нашр этиш, археологик қазилмалар натижаларини ҳужжатлаштириш ва тарғиб қилиш каби лойиҳаларни келтириш мумкин. Шунингдек, "Алпомиш", "Манас", "Гўрўғли" каби умумий дostonларни ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича қўшма тадбирлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳамкорлик жараёнлари нафақат илмий-тадқиқот ишларини бойитишга, балки маданий соҳадаги қўшма стратегияларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Шунингдек, миллий маданий марказлар "маданий дипломатия" воситаси сифатида Марказий Осиё минтақасида сиёсий ва ижтимоий муносабатларни яхшилашга хизмат қилади. Улар орқали Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон ўртасидаги маданий алоқаларни кенгайтириш, ўзаро ҳурматли муносабатларни шакллантириш ва ижтимоий ихтилофларни юмшатиш мумкин. Мисол учун, Ўзбекистондаги Тожик миллий маданий маркази Тожикистон билан маданий алоқаларни ривожлантириш, қўшни мамлакат маданияти ва анъаналарини тарғиб қилиш, икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Худди шундай, Қозоғистондаги Ўзбек миллий маданий маркази ҳам Ўзбекистон билан маданий алоқаларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Бундай марказларнинг фаолияти минтақада ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитини яратишга ёрдам беради. Бундай фаолият минтақавий ҳамкорликни нафақат маданий, балки сиёсий барқарорликни таъминлаш учун ҳам муҳим воситага айлантиради. Шу нуқтаи назардан, миллий маданий марказлар минтақадаги давлатлар ўртасида маданий кўприкларни яратиш орқали халқаро муносабатларни янги босқичга кўтаришда катта аҳамиятга эга.

Минтақавий маданий тадбирларда иштирок турли халқлар ва маданиятлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва мулоқотни таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Бундай тадбирлар халқаро даражада маданий алмашинувни ривожлантиришга ёрдам беради ва минтақадаги барча этник гуруҳларнинг маданий хусусиятларини кенг жамоатчиликка танитади.

Фестиваллар, кўрғазмалар, концертлар, фольклор ва анъанавий санъат тадбирлари каби маданий тадбирлар орқали иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги маданий боғлиқлик мустаҳкамланади. Ушбу тадбирлар маданий хилма-хилликни сақлаб қолиш билан бирга, минтақадаги давлатлар ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳурмат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Минтақавий маданий тадбирлар орқали давлатлар ўртасидаги маданий интеграция жараёнлари тезлашади. Бундай тадбирлар нафақат миллий маданиятларни танитиш, балки умумий қадриятлар, тарихий алоқалар ва маданий анъаналарни тиклаш учун ҳам муҳим платформа ҳисобланади. Марказий Осиё давлатлари (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон) учун бу айниқса муҳим, чунки улар узок тарих давомида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Масалан, Наврўз байрамини нишонлаш, умумий мусиқа фестивалларини ўтказиш, хунармандчилик кўрғазмаларини ташкил этиш, миллий таомлар кунларини белгилаш каби тадбирлар Марказий Осиё халқлари ўртасидаги маданий яқинликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, "Ипак йўли дурдоналари" каби қўшма маданий лойиҳалар минтақанинг бой маданий меросини жаҳонга танитишга ёрдам беради. Улар орқали минтақадаги мамлакатлар маданиятлари ўртасидаги умумийликни аниқлаш, уларни янада мустаҳкамлаш учун шароит яратилади. Шу билан бир қаторда, минтақавий маданий тадбирлар, кўпинча, маданият ва туризм соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш учун қулай имконият яратади. Бу жараён доирасида мамлакатлар ўзларининг бетакрор маданий меросини намойиш этиш ва келгусидаги шерикчилик алоқаларига қўша оладиган салоҳиятли ҳиссаларини кўрсатиш имконига эга бўладилар. Бу эса, ўз навбатида, минтақанинг сайёҳлик жозибадорлигини оширишга, маданий туризмни ривожлантиришга ва ушбу соҳадаги инвестицияларни жалб қилишга хизмат қилади.

Хулоса. Минтақавий маданий тадбирлар ёшлар ва ижодкорлар учун халқаро миқёсда ўз истеъдодларини намойиш этиш имкониятини беради. Бундай тадбирларда қатнашувчилар ўзларининг анъанавий санъат турлари, миллий қўшиқлари, хунармандчилик маҳсулотлари ва бошқа маданий кўринишларини кенг аудиторияга танитади. Шунингдек, тадбирлар доирасида ўтказиладиган ўқув семинарлари ва маҳорат дарслари иштирокчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Марказий Осиё давлатлари мисолида буни яққол кўриш мумкин. Масалан:

- Ўзбекистонда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ёш ижрочилар ва бастакорлар учун ўз ижодини намойиш этиш, шунингдек, дунёнинг турли бурчакларидан келган ҳамкасблари билан тажриба алмашиш учун ажойиб майдондир.

- Қозоғистонда ўтказиладиган "Евразия" халқаро кинофестивали ёш киноижодкорларнинг фильмларини намоёиш қилиш, маҳорат дарслари ва семинарларда иштирок этиш орқали ўз билим ва кўникмаларини ошириш имконини беради.

- Қирғизистонда ўтказиладиган «Жаңы ысымдар» халқаро театр фестивали . Мазкур фестиваль ҳар йили театр соҳасининг ёш истеъдодларига йўл очиш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш ва ижодий алмашинувини таъминлаш мақсадида театр актёрлари, режиссёрлар, драматурглар, танқидчилар, сахна рассомлари, санъат соҳаси ўқитувчилари ва театр санъати билан қизиқувчи талабалар иштирокида мунтазам равишда ташкил этилади.

- Тожикистонда ўтказиладиган МДХ давлатлари болалари ва ўсмирларининг "Душанбе мезбонлигида" номли Халқаро дўстлик фестивали . Унинг асосий мақсадлари гуманистик кадриятларни, тинчлик ва бирликни, таълимни тарғиб қилиш ҳамда бир-бирининг анъаналари, маданияти ва цивилизацияларига ҳурмат кўрсатиш, умумий ва қўшимча таълим муассасалари ўртасида билим ва тажриба алмашишдан иборат.

- Туркменистонда ўтказиладиган халқаро маданият ҳафталиклари ҳар йили рассомлар учрашувлари, фотоқўرғазмалар, адабий курултойлар, театр, мусиқа ва рақс фестиваллари ҳамда маданият арбоблари ва санъат усталари ўртасида тажриба алмашиш учун самарали майдон вазифасини ўтовчи бошқа форумларни ўтказди.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган мисоллар Марказий Осиё давлатларидаги миллий маданий марказларнинг ёшлар ва ижодкорларнинг шахсий ва касбий ривожланишига, уларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлашга, шунингдек, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолиятининг самарадорлигини тасдиқлайди. Ушбу жараёнлар ижодкорлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, инновацион ғояларни генерация қилиш ва уларни қўшма ижодий лойиҳаларда амалга ошириш учун қўшимча истикболларни очиб беради. Бу эса, ўз навбатида, минтақанинг маданий ландшафтининг бойишига ва халқаро майдондаги ижобий имиджининг шаклланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи // Халқ сўзи. 2017 йил. 25-январь. №18.

2. Н.А.Назаров. Марказий осийда миллатлараро муносабатлар. – Монография, «Global Books» нашриёти 2018, 124б.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз//Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришган тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –Б.8-9.

4. А.Жўраев. Тинчликпарварлик муҳим ахлоқий эҳтиёж сифатида Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли ва ижтимоий-фалсафий тафаккур янгиланиши 1-қисм. Ёш олимлар илмий конференцияси материаллари. Т.2001 209-212 бетлар

5.Ф. Ҳакимов «Маданий-гуманитар соҳада Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг янги босқичи» // «Тараққиёт стратегияси» маркази 09.08.2021й. <https://strategy.uz/index.php?news=1358>

6.О.Сирожов. «Марказий Осиё минтақасида ҳамкорлик жараёнлари» «Ўзбекистон»2016

7.Европа интеграциясига доир илмий тадқиқотлар олиб борган В. Барановский (Политическая интеграция в Западной Европе. Некоторые вопросы теории и практики. - М.: Наука,1983) монографиясида; МарказийОсиёлик тадқиқотчилардан А.Искандеров «Классические теории Европейской интеграции и возможность их использования в интеграционных процессах ЦА» мақоласида (Казахстан-Спектр. №4. 2006); Юров О.В.«Проблема первичности экономической или политической интеграции в Евразии (http://www.rusnauka.com/NNM_2006/Politologia/16214.doc.htm) мақоласида минтақавий интеграцияни икки қисмга ажратадилар.

8. А. Сайфуллаев. Маданий марказлар орқали жамоа алмашинуви. – Тошкент: Жамоатчилик нашриёти, 2022. – Б. 27–28.

9.Культурное сотрудничество в рамках СНГ на примере реализации в 2013 году Межгосударственной программы «Культурные столицы Содружества» // Интернет портал СНГ // <https://ecis.info/cooperation/3143/78332/>

10. Ж. Офатов. Тадқиқотлар ва маданий марказлар: илмий амалий тадқиқотлар. – Тошкент: Миллий нашриёт, 2022. – Б. 18–20.

11.Nicola J Palmer Ethnic. Equality, National Identity and Selective Cultural Representation in Tourism Promotion: Kyrgyzstan, Central Asia.// 2007, Journal of Sustainable Tourism// <https://www.academia.edu>

12.<https://registon.uz/ru/pages/sharq-taronalari>

13.<https://eurasiaiff.info/ru/>

14.<https://minculture.gov.kg/ru>

15.<https://khovar.tj/rus>.